

ТИНЧЛИК, БИРДАМЛИК ВА ЖИПСЛИК

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!



СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН
ЧИҚА БОШЛАГАН

№ 101 (18.578).

Душанба, 1983 йил 2 май

Баҳоси 3 тийин.

БЕПОЕН ВАТАНИМИЗДА, ШУ ЖУМЛАДАН, СЕРҚУЕШ ЎЗБЕКИСТОНИМИЗДА ТИНЧЛИК ВА МЕҲНАТ БАЙРАМИ, МЕҲНАТКАШЛАРИНИНГ ХАЛҚАРО БИРДАМЛИК КУНИ — 1 МАЙ ЗҲР ШОДИЕНА БИЛАН НИШОНЛАНДИ. 1 МАЙ ТАНТАНАЛАРИ ПАРТИЯ ВА ХАЛҚИМИЗ БИРЛИГИНИНГ ЕРҚИН НАМОЙИШИГА АЙЛАНДИ. ТАНТАНАЛАРИНИНГ ИШТИРОКЧИЛАРИ ЖОНАЖОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯ ВА СОВЕТ ҲУКУМАТИ ТЕВАРАГИДА МАҲКАМ ЖИПСЛАШГАНЛИКЛАРИНИ, ПАРТИЯ XXVI СЪЕЗДИ, КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ШУНДАН КЕЙИНГИ ПЛЕНУМЛАРИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШГА, БЕШ ЙИЛЛИКНИНГ ЎЗАҚ ЙИЛИ — 1983 ЙИЛНИНГ ТОПШИРИҚЛАРИНИ КАТТА МУВАФФАҚИЯТЛАР БИЛАН ТУГАЛЛАШГА, ЖАҲОНДА ТИНЧЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШГА АҲДУ ПАЙМОН ҚИЛГАНЛИКЛАРИНИ НАМОЙИШ ЭТДИЛАР.



МОСКВА. 1983 йил, 1 Май. Қизил майдонда меҳнаткашлар вакиллари байрам намоиши. Суратда: В. И. Ленин Мавзолейининг марказий минбарига.

ТАСС — ҲТАГ телефотоси.

МЕҲНАТ, ОРЗУ - УМИД ВА БАҲОР БАЙРАМИ

Ер ва унда яшаётган инсон нақадар гузал...

Ерда вайронагарчилик ва ёнгинлар эмас, балки ҳамиша гуллар яшаб туриши ва баҳор либосида дилларга қувонч бахш этиши, тинчлик ва меҳнат ҳукмрон бўлиши лозим. Планетамизнинг тақдири инсон қўлида. Бугун, меҳнаткашларнинг халқаро бирдамлик кунинда бу нарсани аниқ, сезилиб турибди.

Меҳнат, Тинчлик, Май! Пролетариат зўравонлик ва жабр-зўлмат қарши курашининг, қардошлик ва озоодлик галабаси учун курашининг рамзи бўлиб қолган бу сўзларни яхлит қилиб бирлаштирдик.

МОСКВА ҚИЗИЛ МАЙДОНИДА БИРИНЧИ МАЙ НАМОЙИШИ

«Бу буюқ курашда икки дунё — капитал дунёси билан меҳнат дунёси бир-бирига қарама-қарши турибди». — деб ёзган эди В. И. Ленин 1904 йилда «Биринчи Май» прокламациясида. Бу прокламация РСДРП иккинчи съезидан кейин Россия Социал-демократик ишчи партияси Марказий Комитети ва Марказий органи номидан босиб чиқарилган эди.

Планетанинг бешдан бир қисмида меҳнат дунёси галаба қозонди. Меҳнаткаш инсон дунёда биринчи социализм мамлакатининг ҳужайини бўлиб қолди. Меҳнат эса инсоннинг асосий қадрият мезонига айланди.

Биз бугун ҳар бир кишининг умумий ишга қўшган ҳиссасини баҳолаб, «Меҳнатига яраша шон-шараф» деймиз.

Бизга меҳнат ер юзида ҳаётни йўқ қилиш учун эмас, балки равақ топтириш учун керакдир. Шу боисдан ҳам бунёдкор совет халқи мустақам тинчликни бахт-саодат гарови деб билди. Совет ҳокимиятининг тонт отарида қабул қилинган сулҳ тўғрисидаги декларация қабул қилинган ва саксонинчи йилларга мулжалланган Тинчлик программасига бўлган йўл — коммунистлар партияси бутун планета узра мусаффо осмон учун курашда босиб ўтган йўлдир.

Мусаффо осмон баҳорда уйғонган Ер узра зангори гўмбаздек бўлиб турибди. Шу бугун эрталаб тонт отарида нуранин Қизил майдон улкан бир ёрқин гуддек очилиб турибди. Биринчи Май планетадаги барча меҳнаткашларнинг байрамидир, аммо унинг қалби Кремль деворлари ёнида биринчи совет намоиши ўтган 1918 йилнинг ўша унутилмас кунидан бундан 65 йил муқаддам Қизил майдонда В. И. Ленин биринчи совет намоишини таъбриклаган эди.

Ильич бугунги кунда ҳам биз билан бирга — Совет давлатининг асосис бешдан ишларининг зафарларида қийинчиликларга қарши курашда яшаб келмоқда.

Мангу барҳаёт марксизм-ленинизм таълимоти бизга ана шу қийинчиликларни енгиб ўтишда ёрдам бермоқда. Бош универсал магазин биносини беэаган байрам композицияси марказида К. Маркс, Ф. Энгельс, В. И. Ленин портретларини кўра-миз. Марксизм алоҳида тақдирга эга. Давр унга мислсиз галабалар келтирди. Инсоният бугунги кунда таълимотта ҳам, реал маъжуд социалистик жамиятта ҳам эга. Бу жамият империализмга қарши жангларда ўзини қаттиқ туриб ҳимоя қилиб олди ва комил ишонч билан олға бормоқда.

Майдон узра кўтарилган ланно «Коммунизм галабаси сари олға!» деб даъват қилди. Қирғизини алвонда — ёрқин мақсад сари йўл кўрсатувчи байроқлар остида меҳнаткашларнинг колонна-лари бормоқда: «КПСС XXVI съезди қарорларини амалга оширамиз!», «Ўзқ-овқат программасини рўб-га чиқаримиз — умумхалқ иши!», «Бутун кучини КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленуми қарорларини ба-

жаришга сарфлаймиз!» Ишнинг бақувват қўли «Бутун куч — тинчлик учун курашга!» деб ёзилган широри кўрсатиб турибди. Бу Тарихий музей биносидаги ланнодир. КПСС Марказий Комитетининг 1 Май Чақириқларида планета халқлари мурожаат этилиб, империализм, милитаризм ва реваншизмнинг агрессив кирдиқларига қатъий зарба беришга даъват қилинади. Биргаликдаги куч-ғайратлар биланга ядро уруш халфини бартараф этиш, кескинлини юмшатишни қаттиқ туриб ҳимоя қилиб қолш ва чуқурлаштириш мумкин. (Давоми иккинчи бетда).

Ю. В. АНДРОПОВНИНГ АВСТРИЯ, КИПР, САН-МАРИНО, ФИНЛЯНДИЯ, ШВЕЦИЯ ВА ЮГОСЛАВИЯ ДАВЛАТ ҲАМДА ҲУКУМАТЛАРИ БОШЛИҚЛАРИНИНГ МУРОЖААТНОМАСИГА ЖАВОБИ

Совет матбуотида хабар қилингандек, Австрия, Кипр, Сан-Марино, Финляндия, Швеция ва Югославия давлат ҳамда ҳукуматларининг бошлиқлари Мадрид учрашуви тўғрисидаги масала хусусида КПСС Марказий Комитети Бош секретари Ю. В. Андроповга, шунингдек учрашувда қатнашган бошқа барча давлатларнинг раҳбарларига мурожаатнома йўллаган эдилар.

Ю. В. Андроповнинг олти бетарф ва қўшилмаган мамлакат раҳбарларига жавобда совет раҳбарлари уларнинг биргаликдаги мурожаатномасини эътибор билан кўриб чиққанликлари айтилади.

Мурожаатномада билдирилган фикр ва мулоҳазалар бизга яқин бўлиб, Европада хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган кенгашда қатнашган давлатлар вакиллари Мадриддаги учрашувнинг боришидан ташвишланишлари тушунарлидир, деб таъкидланади жавоб мактубида. Биз бетарф ва қўшилмаган мамлакатларнинг учрашуви тезроқ муваффақиятли тугаланишига бутун чоралар билан кўмаклашниш йўлидаги интилишини қадрлаймиз.

Совет Иттифоқига келганда шунини айтиш керакки,

у. жавобда яна уқтириб ўтилганидек, Мадрид учрашувининг аввал бошидаюқ муҳим ижобий аҳдлашуларга эришилган, узун зўр бериб куч-ғайрат сарфлаб келмоқда. Бундай аҳдлашулар Хельсинки Яқунловчи ақида белгиланган асосларда, Европада хавфсизликни мустақамлаш ва ҳамкорлигини ривожлантириш ишида сезиларли қадам бўлур эди. Бизнинг фикримизча, ана шу асосий модалда позицияларимиз бир-бирига мос бўлиб тушмоқда.

Учрашув яқунловчи ҳужжатининг бетарф ва қўшилмаган мамлакатлар 1983 йилнинг 15 мартида тандим этган янгиланган лойиҳасини Совет Иттифоқи маъмур ҳужжатини батамом келишиб олиш борасидаги ишлари яқин вақт ичидаёқ ниҳоясига етказиш учун асос деб билмоқда.

Ҳозир, деб таъкидлади Ю. В. Андропов, давлатларнинг сиёсий иродаси ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир. Совет Иттифоқи шундай иродага эга. Бизнинг мамлакатимиз Мадрид учрашувининг муваффақият қозониши манфаатларини кўзлаб унда қатнашувчи барча давлатлар билан амалий ва конструктив руҳда ҳамкорлик қилишга тайёрдир.

ЕР ЮЗИДА ТИНЧЛИК УЧУН ТОШКЕНТ МЕҲНАТКАШЛАРИНИНГ БИРИНЧИ МАЙ НАМОЙИШИ



ТОШКЕНТ. В. И. Ленин номи майдон. Меҳнаткашларнинг Халқаро бирдамлик кунини 1 Май намоиши. (ТАСС).

Биринчи маёвқалар тошкентликларнинг хотирасида яшаб келмоқда. Ана шу маёвқаларнинг қатнашчилари — темирйўлчилар, фабрика ишчилари жамиятини ўзгаришнинг ленинча режаларини қўллаб-қувватлашларини билдириш, РСДРП иккинчи съезди яқунларини маъқуллаш учун шартлашиб олинган учрашув жойларига қамқоқла тушиб қолш хавфи остида яшаринча боришар эди. Улар эркинлик таънада қилинган ва ишчилар синфи, барча меҳнаткашлар ўз тақдирининг чинакам ҳужайини бўлиб қоладиган кун албатта келиши тўғрисида тўқилганиб гапирар эдилар. Ана шу дадил орузлар бугунги кунда реал воқеаликка айланганлигидан фахрланмай бўладими, ахир, Ўзбекистон пойтахти меҳнаткашларининг бу йилги Биринчи Май намоиши бунини аjoyиб тарзда тасдиқлаб турибди. Унинг ёрқин рағблари, байрам юришини қирғизини байроқлари остида турган юз минглаб кишининг бахтиёр чехралари Ленин партиясининг доно раҳнамолитида мамлакат, республика босиб ўтган йўлнинг улугворлигидан жуда яхши далолат бериб турибди.

Кейинги ўн йиллар мобайнида ҳамisha бўлганидек, Тошкентнинг Владимир Ильич Ленин номидаги бош майдони Биринчи Май тантаналарининг марказига айланди. Илмий коммунизм асосчилари К. Маркс ва Ф. Энгельснинг портретлари, партия Марказий Комитети Снэйс бюроси аъзолари ва аъзоликка кандидатларининг портретлари, КПСС Марказий Комитетининг Биринчи Май Чақириқлари кўзга ташланади. Майдон узра СССР Иттифоқининг давлат байроғи, мамлакатимиз халқларининг бузилмас бирлиги тисқоли бўлган қардош иттифокдош республикаларнинг байроқлари ҳил-пираб турибди.

Минбарларда — партия ва меҳнат ветеранлари, фан ва маданиятнинг таниқли арбоблари, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари, СССР ва Ўзбекистон ССР Олий Советларининг депутатлари, чет эллик меҳмонлар туришибди.

Эрталаб соат 10. КПСС Марказий Комитети Снэйс бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари Е. А. Айтмурадов, Л. И. Греков, Ю. П. Максимов, М. М. Мусахонов, Т. Н. Осетров, О. У. Салимов, И. Б. Усмонхўжаев, Н. Ж. Худойбердиев, Н. М. Махмудова, Л. Н. Мелкумов, У. У. Умаров, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари Г. М. Орлов, республика Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари Р. Ҳ. Абдуллаева, Қ. А. Аҳмедов, В. К. Михайлов,

Б. Р. Раҳимов, М. Т. Турсунов, А. Р. Хўжаев ўртоқлар ҳукумат минбарига чиқадилар.

Байроқлар, транспарантлар бамисоли денгиз тўқинларидек майдонга кириб кела бошлайди. Районларнинг колонналарида биринчи маёвқаларда иштирок этган кишининг ворислари, Тошкент пролетариати революция ва меҳнат анъаналарининг муносиб издошлари бормоқдалар. Шаҳарнинг донгдор кишини Тошкентнинг галабалар шон-шухрати билан бурканган байроғини кўтариб ўтадилар. Тошкентликларнинг ўзбеклар дидарида Совет ҳокимиятини ўрнатш соҳасидаги хизматлари Қизил Байроқ ордени билан тақдирланган, Шаҳар меҳнаткашлари Ватан қудратини бутун чоралар билан мустақамлаш учун, КПСС XXVI съезди белгиланган бунёдкорлик ишлари программасини муваффақиятли равишда амалга ошириш учун олиб борилаётган умумхалқ курашида ўз ҳиссаларини муттасил кўпайтириб бормоқдалар. Яқинда шонли санаи Тошкентнинг 2000 йиллигини нишонлашга ҳозирлини кўраётган республика пойтахти ишчилари, зиёлилари фахрлана арзидиган ютуқлар оз эмас.

Панноларнинг биргатаассурот қолдирадиган шундай сўзлар ёзилган: эндиликда шаҳар санаоти революцияда аввал бутун йил мобайнида қанча маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса,

(Давоми учинчи бетда).

В. Молгачев, фотодар:

Б. — 101. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12 13 14 15